

Jamolitdin KARIMOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Independent researcher of PhD
j.karimov@iiiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ЎРТА ОСИЁДА ЯХУДИЙ ДИАСПОРАСИННИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ЖИЗНЬ ЧЛЕНОВ ЕВРЕЙСКОЙ ДИАСПОРЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

THE HISTORY OF FORMATION AND SOCIAL LIFE OF MEMBERS OF THE JEWISH DIASPORA IN CENTRAL ASIA

Таянч сўзлар: Яҳудийлар, бухоро яҳудийлари, Наршахий, Мейендорф, Амир Темур, “Маҳаллаи яҳудиён”, “Жуҳутона”, хомуло, кениссо, миква, калонтар, аҳли китоб, аҳли зимма, жизья.

Ключевые слова: Евреи, бухарские евреи, Наршахи, Мейендорф, Амир Тимур, «Махаллаи яхудиён», «Жахутона», «хомуло», «кениссо», миква, калантар, люди писание, ахль аз-зимма, джизья.

Keywords: Jews, Bukharian Jews, Narshakhi, Meyendorff, “Makhallai yahudiyon”, “Jukhutona”, “xomulo”, “kenisso”, “mikva”, “kalantar”, “‘Ahl-l-Kitāb (People of the Book)”, “ahl-l-dimmah”, jizya.

Бугунги Ўзбекистон замини қадим замонлардан бери яшаш учун қулай замин бўлиб, тарих жараёнларида турли миллат ва элатлар ҳамда уларнинг маданияти ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўрта Осиёда Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган (*Mukhamedov N., 2016 : 405*).

Ўзбекистон замида қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди. Булар қаторига Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги энг қадимий

Маълумки, яҳудийлар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги энг қадимий қавмлардан бири саналади. Аксар тадқиқотчилар, Туркистонда ва Бухоро атрофларида яҳудийларнинг илк бор милоддан аввалги VI-V асрларда Форс империясининг ўлкани қўлга киритганидан сўнг кириб келганини қайд қилишган.

Мақолада яҳудийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш вақти, яҳудий диаспораларининг шаклланиши, Амир Темур ҳукмронлиги ҳамда ундан кейинги даврларда уларнинг ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тадқиқ этилган.

Шу билан бир қаторда, унда турли даврларда яҳудийларнинг ҳуқуқлари, уларнинг фаолият турлари, бошқа халқлар билан ўзаро алоқалари каби масалалар ҳам таҳлил қилинган.

Известно, что евреи являются одними из самых древних народностей, проживающих на территории Центральной Азии и Узбекистана, в частности. Большинство исследователей придерживаются мнения, что первые евреи в окрестностях Туркестана и Бухары появились в VI-V веках до нашей эры, после завоевания данных территорий Персидской империей.

В статье рассматривается время проникновения еврейского народа на территорию Центральной Азии, формирование местной диаспоры, жизнь евреев во время правления Амира Темура и в пост-темуридский период. Кроме того приводятся данные о правах евреев в разные эпохи, о разновидностях их деятельности, а также об их взаимоотношениях с другими народами.

It is known that Jews are one of the most ancient nationalities living in Central Asia, and Uzbekistan in particular. Most researchers believe that the first Jews in the vicinity of Turkestan and Bukhara appeared in the VI-V centuries BC, after the conquest of these territories by the Persian Empire.

The article discusses the time of the penetration of the Jewish people into Central Asia, the formation of the local diaspora, the life of Jews during the reign of Amir Temur and the post-Temurid time. Along with this, data are provided on the rights of Jews in different eras, their activities, and their relationships with other peoples.

миллатлардан бири яҳудийларни ҳам киритиш ўринлидир. Яҳудийлар оғир тарихий жараёнда узоқ йўлни босиб ўтдилар. Бу эса кундалик турмуш билан боғлиқ ижтимоий ва моддий маданиятнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Айтиш мумкинки, узоқ давом этган бу жараён турли хил босқинчилик ҳамда ўзаро ички низо ва урушларсиз кечмади.

Албатта, яҳудийлар ҳам бошқа миллатлар сингари бу жараёнлардан четда қолмади. Шубҳасиз, нафақат, яҳудийлар балки бошқа этносларнинг ҳам олдида омон қолиш масаласи турар эди. Бу нарса эса уларни турли шаҳарларга кўчиб ўтиш ва у ерда бирлашиб жамоавий тарзда яшай бошлашга замин яратди.

Ўрта асрларнинг илк даврларида яҳудийлар Марв, Балх, Бухоро, Самарқанддан Еттисув ва Қошғарга қадар бир неча манзилгоҳларда қўним топган эдилар. IX-XVI асрлар оралиғида яшаб ўтган Наршахий, Табарий, Беруний, Арусий, Самарқандий каби тарихчи ва географлар ўз эсдаликларида Ўрта Осиёдаги яҳудийлар ва яҳудий жамоалари ҳақида сўз юритганлар.

Мейендорфнинг маълумотларига мурожаат қилсак, у келган вақтда Бухорода 8 минг хонадон ва 70 минг аҳоли истиқомат қилган. Шулардан 800 хонадон яҳудийларга қарашли бўлган. Ўша ердаги яҳудийларнинг айтишича, улар Бухорога 700 йил олдин Самарқанддан келишган. Унгача эса Бағдодда истиқомат қилганлар.

Яҳудийларнинг кўп қисми Ўрта Осиё шаҳарларидан бири Бухорода тарқалганини кўриш

мумкин. Бошқа шаҳарлар, масалан, Машҳадда 300 та, Шаҳрисабзда – 30 та, Балхда ҳам – 30 та, Хиротда – 10 та, Хивада – 4 та яҳудий хонадонлари мавжуд бўлган (Meyendorf, 1975: 95).

Мўғуллар истилоси ва бирин-кетин содир бўлган урушлар XIII асрда барча Туркистон халқларида кечгани каби у ердаги яҳудийларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу таъсир тижоратнинг пасайиши, деҳқончиликнинг издан чиқиши, ўлка маданий ҳаётининг остин-устун бўлишида намоён бўлди ва узоқ замонлардир ўлкада яшаб келган эски яҳудий жамоалари ҳам табиий равишда бундан зарар кўрди.

Қайд этиш лозимки, мазкур жараёнларда бухоро яҳудийлари ўзлигини сақлаб қолиш баробарида, бошқа ерлардаги яҳудийларнинг ҳам бошпанасига айланган эди. Ўша пайтдан бери Бухоро ва унинг атрофлари ўртаосиёлик яҳудийлар истиқомат қилган энг йирик марказ сифатида ривожланиб борган. Бир замонлар катта яҳудий жамоалари яшаб келган Балх, Марв ва Хоразм каби шаҳарларда ҳам кичик яҳудий гуруҳлари яшаб давом этган (Қаранг: Durmus, 2005: 82-83).

Амир Темур ҳукмронлиги даври (1370-1405) да яҳудийлар ҳаётида инкор қилиб бўлмайдиган даражадаги бир жонланиш ҳолати юзага келди. Амир Темур тижорат, санъат ва бунёдкорлик ишларига ҳомийлик қилди. Шу билан бир қаторда, пойтахт Самарқанд, ҳамда ўзи туғилган Шаҳрисабз ва бошқа қўшни ҳудудларга алоҳида эътибор қаратди. Самарқандни янгидан иншо этиш ва бу шаҳарни дунё марказига айлантириш учун ўзи забт этган

мамлакатлардан уста, хунаrmанд ва олимларни Самарқандга келтиради.

Манбаларда Амир Темур бухоро яхудийларига ҳам алоҳида эътибор кўрсатгани қайд қилинади. Унинг даврида яхудийлар у туғилган шаҳар Шахрисабз ва Тошкентда ҳам яшар эдилар. Амир Темур Бухорони қўлга киритганидан сўнг, бир неча юз яхудий оиласини бу шаҳардан ўлкадаги яхудийлар жойлашган энг муҳим марказлардан бири Самарқандга кўчиртиради.

Амир Темур даврида яхудийлар бошқа дин вакиллари қаторида “зиммий” категориясига киритилган. Мавжуд манабаларда, Амир Темур даврида бирор бир яхудийнинг идорий вазифада фаолият олиб борганига доир маълумотни учратиш қийин (*Durmus, 2005: 83*).

Айни пайтда ўрта асрлар Европасида бўлгани каби Туркистон яхудийларининг “Темурнинг куллари” эмас, балки Темурнинг “Яхудийлар хомийси” бўлганига урғу берилган. Хулоса қилиб айтганда, Амир Темурнинг тенгсиз шахсияти унинг диний мутаассибликдан узоқ бўлгани, аксинча, бошқа дин вакиллари, шу жумладан, яхудийларга ҳам яхши муносабатда бўлиб давлатни адолат билан идора этган (*Shterenshis, 2002: 104*).

Темурийлар даврида бошланган қисқа муддатли жонланиш XVI аср бошларида қисман муваффақиятсизликка учрайди. 1598 йилда Самақанд шаҳри вайрон этилиши натижасида самарқандлик яхудийлар Бухорога кўчиб ўтади. Мазкур кўчиш Бухорода яхудий маҳаллаларининг ортишига асосий омил бўлиб хизмат қилган. Шаҳар қайта тиклангач, XVII-XVIII асрларда фаолият юритган яхудий шоирларнинг нисбаларига кўра, яхудийлар яна Самарқандда яшаганига далил бўлади (*Gitlin, 2008: 50*).

Шу билан бир қаторда, XVII асрда Эронда шиаларнинг ҳокимиятга келиши натижасида яхудийлар зарар кўра бошлайди. Бу даврда Ўрта Осиёдаги хонликлар яхудийларга бағрикенг муносабат кўрсатиб, бунинг сабабидан кўп сонли яхудий оиласи Эрондан Туркистонга келиб, яхудий жамоасининг кўпайишига ўз таъсирини ўтказган (*Shterenshis, 2002: 105-106*).

Яхудий кварталлари кундалик турмуш шароитида асосан тожикча номланган. Масалан, “Маҳаллаи яхудиён”, сўзлашув тилида “Жухутона”, Совет ҳукмронлиги вақтида “Маҳаллаи Шарқ” каби номлар шулар жумласидандир (*Gurevich, 1995: 72-74*).

Бухорога ташриф буюрган саёҳатчиларда кўчаларнинг жойлашиши, уйларнинг архитектураси жуда катта қизиқиш уйғотган. Масалан, 1820-1821 йилларда Бухорога сафар қилган Мейендорф

кўчаларнинг тузилиши, уйларнинг жойлашиши, архитектураси, уйларнинг ички қисми ҳақида батафсил маълумотларни келтириб ўтади (*Қаранг: Meyendorf, 1975: 94-95*). Бошқа бир саёҳатчи И.В.Виткевичнинг 1835-1836 йилларда, шарқшунос олим П.С.Савельевнинг 1835 йилда Бухорога уюштирган саёҳати давомида қолдирган маълумотларида ҳам кўриш мумкин (*Қаранг: Lunin, 1990: 45-55*). Бухоро яхудийларининг уйлари одатда замон ва иқлим шароитига қараб қурилган ва кўп жиҳатдан мусулмонларнинг уйларига ўхшар эди. Ўхшашликнинг асосий сабабларидан бири сифатида бой яхудийларнинг ўз уйлари мусулмон усталарига қурдирганлари билан белгиланган мумкин. Бироқ, баъзи фарқли жиҳатлар ҳам бор эди. Анъанавий мусулмон уйларида мавжуд бўлган “ташқари” ва “ичқари” шаклида эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлимлар яхудий хонадонларида қузелмаган (*Қаранг: Dymshits, 1997: 64*).

Одатда яхудийларнинг уйлари турар-жой ва хўжалик ишлари учун мўлжаллаб қурилган. Хоналарнинг орасида энг кўрками меҳмонхона ҳисобланган. Ушбу хона меҳмонлар кутиш билан бир қаторда синагога (ибодат уйи) вазифасини ҳам бажарган. Ўртаосиёлик яхудийларнинг уйлари одатда бир дарвозали бўлган. Бироқ, XX асрга келиб иккита дарвоза қуриш урфга кирган.

Қайд этиш лозимки, яхудийлар бошқа миллат вакиллари орасида “ёпиқ” ҳаёт кечиришган. Тадқиқотчилар, жумладан, Амитин Шапиро бу ҳолатни бир тарафдан, яхудийларнинг алоҳида кварталда яшашни исташлари сабаб бўлса, бошқа тарафдан эса, “гетто”¹га кўра бўлган, деб баҳолайди. Олимнинг фикрига кўра, ўртаосиёлик яхудийларда гетто уларнинг ўзлари томонидан асос солиб қўйилган. Бундан асосий кўзланган мақсад – ташқи душманга қарши бирлашиш учун бўлиши мумкин (*Amitin-Shapiro, 1931: 8-9*). Бошқа бир олим Д.Очильдиев эса, ушбу нарсани кўпроқ диний расм-русумларнинг бажарилиши, яшаш тарзи, диний мактабларнинг ташкил этилиши (хомуло), синагога (кениссо), диний жиҳатдан пок ҳовуз (миква), яхудий қабристони, ҳаммом ва бошқа шу каби факторларга кўпроқ таянади, деб таъкидлайди (*Ochildiev, 2002: 77-79*). Бизнинг наздимизда ҳам Д.Очильдиевнинг қарашлари ҳақиқатга яқинроқдир.

Одатда яхудий жамоаларини сайланадиган калонтар бошқариб келган. Жамоанинг бошида қуйидаги шахслар турган: калонтар – бир неча бой яхудийлардан сайланган. Сайлов ҳақидаги хабар амирга Қушбеги орқали етказилган. Калонтардан

¹ Иркий, миллий ёки диний жиҳатдан паст тутилган аҳоли группаси учун ажратилган квартал, маҳалла.

ташқари раввин (бухоро раввинларининг хабарига кўра, бу вақтга қадар калонлар ҳар икки вазифани ўзида мужассам этган) ҳамда калонларнинг “оқсоқол”лар деб номланган икки ёрдамчиси ҳам сайланган. Амирнинг калонлар ва оқсоқолни тайинлаш бўйича чиқарган қарори ёзма тарзда тақдим этилган (ёрлик). Ушбу ёрлик уч кун давомида калонларнинг бош кийимига қадаб қўйилган. Қолганлар уни “симон-тов” – хайрли бўлсин каби сўзлар билан табриклашган. Мазкур шахсларнинг сайланиш муддати маълум бўлмаган. Қайта сайловлар номзодлар уларга билдирилган ишончни оқламаган тақдирда зодагонларнинг ташаббуслари билангина амалга оширилган. Яҳудийлар ва мусулмонлар орасидаги ҳар қандай жиноий бўладими, фуқароликка оид келишмовчилик бўладими, барчаси Давлат суд органи томонидан ҳал қилинган. Яҳудийлар орасидаги ўзаро низолар эса, калонлар томонидан амалга оширилган.

Никоҳ ва мерос масаласига дахлдор бўлган оилавий масалалар бўйича раввинга, мураккаб ҳолатларда эса калонлар ва оқсоқол иштирокида раввинга мурожаат қилинган. Юқоридагилар билан бир қаторда, калонлар амирлик томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Миссионер Жозеф Вольф (1795-1862) яҳудий сайёҳи 1843 йилда Бухорога сафар қилган. У ўзининг хотиралари ҳақида ёзар экан, унда қайд этилишича, амир Насруллоҳон бош раввиннинг уйига тез-тез бориб турган. Шу сабабли ҳам калонлар катта мавқега эга бўлган ҳамда аҳолининг аксари унга эргашган. Айрим ҳолатларни инобатга олмаса, яҳудийлар қозиларга кам мурожаат қилганлар.

Шу тарзда яҳудийларнинг “ҳуқуқий тизими” шаклланган. Колонлар қанчалик қаҳрли ёки адолатсиз бўлсин фарқи йўқ. Улар яҳудий эди ва яҳудийларнинг ишлари айнан улар томонидан ҳал қилиниши лозим эди (*Amitin-Shapiro, 1931: 14*). Совет ҳукумати ўрнатилгунга қадар калонлар жамоанинг мустақил административ бошқаруви ҳамда амир ва бошқа маҳаллий ҳокимлар олдида жамоа вакили вазифаларини ҳам бажарган.

Ўртаосиёлик яҳудийларнинг калонларларни сайлаш ва бошқа шу каби жамоа ҳаёти билан боғлиқ масалалар эркаклар томонидан синагогада ҳал қилинган (*Gitlin, 2008: 54*).

Асирликда кўчиб келтирилганларнинг яшаб қолиш учун бўлган шароит дастлаб уларни тижорат ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритишга ундади. Янги ўлкага кўчиб борган яҳудийлар катта муаммоларга дуч келмаган. Чунки, уларга фаолият олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиб беришга кўрсатма берилган эди. Шу билан бир қаторда биз қадимги Бобилнинг иқтисодий

жиҳатдан юқорилиги ҳамда тижорат ва ишлаб чиқаришда Шарқнинг марказларидан бўлганини инобатга олсак, яҳудийлар ҳаётида рўй берган бу каби ўзгаришлар бежизга бўлмаганини англашимиз мумкин (*Tyumentev, 1922: 60-64*).

Юқорида келтирилган маълумотларни ўрганиш форс ва бошқа подшоҳликларнинг шарқий империясида яҳудий жамоаларининг ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, ўртаосиёлик яҳудийларнинг аксар қисми юқори чўққиларга эришди ҳамда савдо-тижоратда катта ўринга эга бўлди. Бунинг яна бир омили сифатида, Ўрта Осиё ҳар доим тараққий этиш ривожланиш учун Буюк ипак йўлидан катта манфаатдор бўлиб турганини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади.

Йирик тижорат марказлари шаклланган шаҳарлар одатга кўра, ҳунармандчилик ва тижорат марказлари бўлган. Биргина Бухоро шаҳрида 38 та қарвонсаройлар ҳамда нон, мато ва бошқа маҳсулотларга ихтисослашган бозорлар мавжуд эди. Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида фақат бозор учунгина санокли микдорда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга ихтисосланди. Бунда ипак, жун матолар ҳамда пахтадан қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин эгаллади. Қўқон, Бухоро ва Хўжанд қоғоз ишлаб чиқариш маркази эди. Ипак ишлаб чиқариш эса бошқа марказий шаҳарларда ривожланган эди (*Rojkova, 1963: 34-36*). Аниқроғи яҳудийларнинг асосий қисми кўпроқ жойлашган ҳудудларда ривожланган. Улар минтақанинг хўжалик ва иқтисодий ҳаётида асосан савдо-сотик ва ҳунармандчилик, хусусан, тўқимачилик ҳамда матоларга ранг бериш бўлган.

Яҳудийларнинг хўжалик ишларида фаолият олиб боришларида уларнинг Бухорода яшаганлари ҳам қулай бўлган. Биламизки, Бухоро Ҳиндистон, Эрон ва ҳатто, Хитой билан савдо йўлида транзит зонанинг маркази бўлган. Айниқса, Сомонийлар даврида Бухоро тараққий этгани маълумотларда келтирилади. Юқорида зикр этилган давлатлар билан савдо алоқалари бу вақтга келиб ривожланганини кўриш мумкин. Е.К.Мейндорф таъкидлаб ўтганидек: “Мазкур давлатнинг гуркираган тижорати Чингисхон босқини натижасида узилган эди. Фақатгина, Амир Темур даврига келиб, унинг саъй-ҳаракатлари билан бу савдо алоқалар яна қайта жонланди. У Европа, Арабистон, Ҳиндистон ва Хитой каби давлатларга вакиллар жўнатиб, улар билан савдо алоқаларини ўрнатишда муҳим вазифани бажарган.

Ўша даврда қўшни давлатлардан кўплаб тижоратчилар Бухорога қатнай бошлагач, у Ўрта Осиёнинг тижорат марказига айланди. Қайд этиб ўтиш лозимки, бу минтақада содир бўлган

тўнтарилар, ғалаёнлар бўлишига қарамасдан, савдо-сотиқ ўз йўлида давом этган. Искандар Зулқарнайн давридаёқ изга тушган савдо йўли, кейинчалик ҳам қарвонларнинг асосий йўналиши бўлиб хизмат қилди” (*Meyendorf, 1975: 119-120*).

Рус истилосидан олдин бухоро яҳудийлари Ўрта Осиёнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларига тарқалганлар. 1865 йилга қадар катта миқдордаги Бухоро яҳудий халқи Кармана, Каттакўрғон, Қарши, Ҳисор, Душанбе, Чоржўй, Марв, Тошкент, Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш, Чимкент ва Туркистон каби ҳудудларда яшаб келганлар. Бироқ, энг йирик аҳоли ўсиши Самарқандда кузатилган. 1843 йилдан аввал бухоро яҳудийлари шаҳарнинг тўрт маҳалласида яшар эди, лекин, кўп ўтмай янада кенгрок ҳудудга эҳтиёж туғилган. Амир Насруллоҳ Баҳодир (1826-1860) 10 минг қумуш танга баҳосига ер сотилишига рухсат берган. Янги ҳудудий бирлик “Маҳаллаи яҳудиён” деб аталиб, ушбу маҳалла бугунга қадар сақланиб қолган (*Dymshits, 1997: 63*). Манбаларида бухоро яҳудийларининг алоҳида ажратилган ҳудудларда яшагани, тижорат ва мулкчилик борасида баъзи чекловларга дучор бўлганлари, уларни бошқалардан ажратиб туриши учун ўзига хос кийимлар кийганлари ва мунтазам равишда улардан солиқлар ундирилгани қайд этилган.

Даврлар ўтиши билан Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдо алоқалари алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо алоқалари қадим тарихга эга. Бироқ, ушбу алоқалар вақти-вақти билан гоҳ сифат, гоҳ миқдори билан ўзгариб турган. Тадқиқотчилар мазкур ўзгаришларни талаб эҳтиёжларига кўра содир бўлган деб баҳолайдилар (*Gitlin, 2008: 56*).

XIX асрнинг кейинги йилларида, хусусан, Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олиш даврига яқин пайтда ўртаосиёлик яҳудийларнинг асосий иш фаолияти тижорат, тола ва матоларга ранг бериш каби ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида бўлган. 1874 йилдан 1890 йилга қадар Тошкент обсерваториясида астроном бўлиб ишлаган Франц фон Шварц бу борада қизиқарли маълумотларни қолдирган: “Туркистонда бухоро яҳудийлари савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш билан шуғулланган...; дорихоначи ва врачлар ҳам яҳудийлар... Уларнинг аксари бошқа давлатларга саёҳат қилган: бири Хитойга борган бўлса, бошқаси Афғонистон ва Хайбар орқали Ҳиндистонга саёҳат қилганлар. Бухоро яҳудийларининг кўпчилиги Москва, Париж ҳатто, баъзилари Лондонда ҳам бўлган. Бухоро яҳудийлари орасида бой табақа вакиллари кам учраса-да, бироқ уларнинг аксари яхши ҳаёт кечирган. Баъзилари пахтачилик ва узумчилик билан

шуғулланса, кўпчилиги Москва билан тижорат, Батуми ва Баку орқали Бомбейдан ҳинд чойларини олиб кириш каби ишлар билан шуғулланган. Бухоро пахтасининг савдоси асосан яҳудийлар қўлида бўлган. Бу тахминан йилига Бухородан 500 000 пуд□ пахта экспорт қилинган” (*Yevreyskaya ensiklopedia, T. 5. 122*).

Бу борада Россия империясининг ер тузиш ва зироатчилик масалалари бўйича Бош бошқармасининг расмий нашрида қуйидагилар келтирилади: “Яҳудийлар Бухоро хонлигининг деярли барча ҳудудларида қўним топдилар. Кўплаб ноқулай шароитларга қарамасдан улар деярли савдо-сотиқ ишларини ўз қўлларига олиш орқали, ўз ўринларига эга бўлдилар”. Шунингдек, унда ўртаосиёлик яҳудийларнинг ёш авлоди алоҳида тилга олинади: “Ёшлардан иборат бошқа бир гуруҳ эса, турли миллат ва қабила билан тил топа олиб, бутун минтақа бўйлаб ўз фаолиятларини олиб борадилар. Улар юқори авлод вакилларига қараганда очикрок (одамовиликдан йироқрок) бўлиш билан бир қаторда, ўзлигини йўқотмаган. Бухоро яҳудийларини костюмларидаги ўзига хос жиҳати билан доим ажралиб турган” (*Aziatskaya Rossiya, 1914: 178*).

Тижорат ва процентга пул беришдан ташқари ўртаосиёлик яҳудийлар ранг бериш, ипакчилик каби ҳунармандчилик ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Ҳунармандчиликнинг баъзи йўналишларида юқори чўққига эришишган. Масалан, кўплаб маълумотларга қараганда матоларга ранг бериш соҳаси ўртаосиёлик яҳудийлар қўлида монополия бўлгани, юқори малакали ҳунармандлар шуғуллангани келтирилади. Матоларга ранг берувчи иншоотлар кўп тарқалган. Рангхоналарда доимо бўёқ солинган махсус идишлар бўлиб, уларда турли ранглардан иборат бўёқлар бўлган. Аксар ҳолларда матолар харидорнинг бевосита ўзи иштирокида тайёрланган ва шу заҳотиёқ унга қайтиб берилган (*Rojkova, 1963: 36*).

Юқорида таъкидланганидек, минтақанинг VII асрда араблар тарафидан фатҳ этилиши билан ўлка яҳудийлари мусулмонлар ҳукми остида яшай бошлаган. Ислом ҳуқуқларига таянувчи бошқа ўлкалардаги яҳудийлар каби Ўрта Осиёдаги яҳудийларга ҳам алоҳида бир мақом (статус) берилган.

Умуман олганда, ислом ҳукми остида яшаган яҳудийлар ҳам ислом ҳуқуқшуносларининг қайд этган шартлари асосида ҳаёт кечирганлар. Бунда ваҳийга асосланувчи яккахудолик динига амал қилувчи халқ сифатида яҳудийлар “аҳли китоб” ва “аҳли зимма” деб синфлантирилиб, уларга бағрикенглик билан муносабатда бўлинган ва

улар химоя остига олинганлар. Уларга ўз ички бошқарувларида эркинлик берилиб, ўз дин ва мазҳабларининг талабларига мувофиқ муносабатда бўлинган.

Ислон ҳуқуқшуносларининг зиммийлар ҳақидаги ҳулосаларига кўра, бир ислон ўлкасида динларига эътиқод қилиб яшаган зиммийлар ўз диний арконларини эркин амалга ошира олганлар. Уларга бу ҳусусда керакли шароитлар яратиб берилган. Мусулмон бўлмаганлар моҳиятан қонун олдида мусулмонлар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлганлар. Улар орасидаги фаркли ҳукмлар жамоат тартибига оид масалаларда бўлган, ҳолос. Улар ҳарбий хизмат каби мусулмонлар учун шарт қилинган баъзи мажбуриятларни бажармаганлар, мусулмонлар билан бир хил солиқлар тўламаганлар. Зиммийлар жия ва хирож каби маълум солиқларни тўлаганлар. Ислон ҳуқуқига кўра, мусулмонларнинг давлатга закот бериши баробарида зиммийлар тайин қилинган миқдордаги жия ва хирож шаклидаги солиқларни бериб, фуқаролик мақомларини давом эттирганлар (*Durmus, 2005: 77-79*). Жия мусулмон бўлмаганлардан мулкдорлик даражасига қараб, бой, ўртаҳол ва камбағал каби уч даражада ундирилган. Бошқаларнинг нафақаси билан кун кечирган мискинлар, кўр ва ногиронлардан жия олинмаган. Зиммийлардан олинган яна бир солиқ эса хирож эди. Ислон диёрларида яшаган зиммийлар тижорий даромадларининг 5 % и олиниб, уларнинг бозорларда савдо қилишларига руҳсат берилган, фақат, таъқиқланган нарсалар олди-соттисини амалга оширишга йўл қўйилмаган (*Eroglu, 2004: 6-8*).

Шу ўринда қайд этиш лозимки, баъзи тадқиқот ва манбаларда тарихнинг турли даврларида ислон дунёсида яҳудийларга тазйиқ ўтказилгани, уларнинг ўлим ёки ислондан бирини танлаш шarti билан мусулмон бўлишга мажбурланганлари, баъзи яҳудийларнинг ислонни рад этгани учун ўлдирилгани, унчалик кучли бўлмаганлари эса ўзлари ва оилаларини асраб қолиш учун ислонни қабул қилганлари даъво қилинади. Аслида, ислонда мусулмон бўлмаганларга ўз динларини ўзгартиришлари борасида тазйиқ ўтказилмаслиги умумий ва ўзгармас қоида бўлиб келган. Мазкур иддаолар даврнинг тарихий воқеалари ила ижтимоий эмас, шахсий ҳодисаларга боғлаб ойдинлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда бу даъволарнинг бир тарафлама ва ҳақиқатдан йироқ эканига ойдинлик киритилади.

Айрим тадқиқотларда, Бухоро хонлигининг Россияга қарши урушда енгилган вақтда русларнинг Бухоро амирлигидан талаб қилган товон пулининг учдан бирини яҳудийлар тўлашга мажбур

қилингани, уларнинг тез-тез янглиш айбловлар билан ҳибсга отилганлари ва фақатгина динларини ўзгартирсаларгина озод қилинганлари иддао қилинади (*Dymshits, 1997: 14*). Шунингдек, бу жамоаларга нисбатан XVII асрдан XIX асрга қадар тазйиқлар ортиб боргани билдирилган. Лекин, тазйиқ сифатида баҳоланган бу тадбирларга қарамай турли минтақаларда оғир аҳволда қолган яҳудийларнинг минтақага, ҳусусан, Бухоро хонлигига паноҳ истаб келиши, бизнингча, бир-бирига боғлаб бўлмас қарама-қаршиликни пайдо қилиб, ушбу тадқиқотларда субъектив ёндашувда бўлинганини кўриш мумкин. Чунки, аввало Бухоро, сўнгра Хива ва Қўқон каби Ўрта Осиё хонликлари ҳар фурсат бир мусулмон давлати эканига ургу берилади. Мазкур хонликларда ислон ҳуқуқи жорий қилинган ва бу ҳолат мусулмон бўлмаганларни ҳам четлаб ўтмаган. Шу сабабдан умумий ҳолда яҳудийларга ислон ҳуқуқий ўлчовларига кўра муомала қилинган, ноҳуш ҳолатларнинг манбаси эса шахсий тушунча ва амалиётлардир.

Тўғри, минтақада хонликларда административ бошқарувда фаолият олиб борган баъзи шахслар томонидан муайян муддатда олиб борилган айрим нотўғри сиёсат ҳолатлари содир бўлгандир. Бу нарсаси, нафақат бошқа дин вакилларига нисбатан, балки, маҳаллий аҳолининг барчасига нисбатан ўз таъсирини ўтказган, десак хато бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, яҳудийларнинг Ўрта Осиёдаги кундалиқ ҳаёти доим ҳам бир текисда бўлмаган. Унда, албатта, бир даврда тараққий этилган бўлса, бошқа бир даврда пасайиш кузатилган. Тақдир тақозоси билан Бобил подшоҳлигининг асирлари йирик империялар бўйлаб кенг тарқалганлар. Чўл ва ялангликдан чиққан яҳудийлар қандай қилиб бегона юртларда, турли ҳолатдаги шароитларга мослашиб кетганлари кишини ҳайратга солмасдан иложи йўқ.

Бухоро яҳудийлари яшаган жойларида катта имкониятларга эга эдилар. Уларнинг ички ишларига, жамият низомлари ва диний тартиботларига аралашилмаган. Жамоанинг эҳтиёжларини қондиришга ғайрат қилинган, ҳар тарафлама тараққий этишлари учун муносиб шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган, уларга давлатнинг ҳар турли даражадаги ишларида вазифалар берилган. Хонликларда яҳудийларга нисбатан камситиш, динини ўзгартириш борасида келтирилган фикрларнинг аксари, бир тарафлама ва субъектив қарашлар бўлиб, мазкур ҳолатларни далил ва ҳужжатлар асосида ўрганиш талаб этилади.

Ўрта Осиёлик яҳудийларнинг савдо қарвонлари Россия, Ғарбий Европа, Эрон, Усмонли давлати ва Фаластинга қадар борган. 1833 йилдан Россияда Бухоро яҳудийларининг империянинг турли

худудларида ўрнаша олиши ва Оренбург, Троицк, ва Нижний Новгородда ярмаркаларда савдо қила олишлари учун ҳукумат рухсати берилган бир неча фармонлар чиқарилган. Бу ҳолат амирлик иқтисодиёти ва Россия билан йўлга қўйилган савдода Бухоро яхудийларининг таъсирини орттирган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Amitin-Shapiro Z.L. Ocherk pravovogo bita sredneaziatskix evreev. Tashkent-Samarkand, 1931.
2. Aziatskaya Rossiya / Lyudi i poryadki za Uralom. T. 1. S-Peterburg. Izdanie pereselencheskogo upravleniya Glavnogo upravleniya zemleustroystva i zemledeliya, 1914.
3. Durmus Arik. Buhara yahudileri. –Ankara. Kitbci, 2005.
4. Dymshits V. Facing West: Oriental Jews of Central Asia and the Caucasus. –Amsterdam. 1997.
5. Eroglu A. Hikmet. Osmanli Devletinde Yahudiler. Andac Yayinlari, 3. Ankara. 2004.
6. Gitlin S. Istoricheskie sudbi evreev Sredney Azii. Tel-Aviv. “Media-Gal”, 2008.
7. Gurevich L. Bitovoe i sokralnoe prostranstvo Maxallai Yagudiyon i Samarkanda /Evrei v Sredney Azii. SPb, 1995.
8. Karimov, J. (2016). THE FIRST JEWS IN CENTRAL ASIA. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(41), 124-127.
9. Lunin B.V. Istoriya Uzbekistana v istochnikax / Uzbekistan v soobsheniyaх puteshestvinnikov I uchyonix (XIX veka). Tashkent, 1990.
10. Meyendorf Y.K. Puteshetvie iz Orenburga v Buxaru. Predisl. N.A.Xalfana. M., 1975.
11. Mukhamedov Nematullo (2016) Средневековый Ташкент – один из научно-культурных центров Великого шёлкового пути // INTERNATIONAL SYMPOSIUM ON “CULTURE DIALOGUE OF THE SILK ROAD COUNTRIES” 5-6 th May 2016 – ERZURUM/TURKEY. –P.405-408. <http://atauni.edu.tr/yuklemeler/cd403fb18ae023a1efe40c6d96b2963e.pdf>.
12. Ochildiev D. Istoriya buxraskix evreev. New-York, 2002.
13. Rojkova M.K. Ekonomicheskie svyazi Rossii so Sredney Aziey (40-60-e godi XIX veka). M., 1963.
14. Shterenshis M. Tamerlane and The Jews. London. 2002.
15. Tyumenev A.I. Evrei v drevnosti I srednie veka. S.Peterburg. 1922.
16. Yevreyskaya-ensiklopedia, Brokgauz-Efron. T.5.

